

**“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг 8-сон
ҚАРОРИ**

2021 йил “30” сентябрь

Тошкент шаҳри

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябридаги ПФ-6096-сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги 170-сон “Навоийуран” давлат корхонаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб, ушбу вазирлик “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор **“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Бошқаруви тўғрисида” Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш** юзасидан қабул қилинди.

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг ягона акциядорининг 2021 йил 25 майдаги 5-сон қарорига биноан “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Бошқаруви тўғрисида”ги Низоми тасдиқланган.

Ҳозирги кунда ушбу Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш зарурати вужудга келмоқда, жумладан “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Бошқарув раиси – Бош директори жамият номидан тегишли ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи якка тартибда ишончномалар тақдим этиш ҳамда иш берувчи ҳуқуқини тақсимлаш тўғрисида тегишли буйруқлар қабул қилиш ваколатлари киритилиши лозим.

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ нинг Уставига мувофиқ ушбу Низомни тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилиш “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ягона акциядори ваколат доирасига киради.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг ягона акциядори қарор қилади:

1. Янги таҳрирдаги “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Бошқаруви тўғрисида”ги Низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор ижросини таъминлаш “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг Бошқарув раиси – Бош директори К.С.Санакулов зиммасига юклатилсин.

Вазир



Т.Ишметов

Ягона акциядорнинг 2021 йил
“30” сентябрдаги 8-сон Қарорига
ИЛОВА

“Navoiy kon-metallurgiya kombinati”
акциядорлик жамиятининг
ягона акциядорининг
2021 йил “30” сентябрдаги
8-сон Қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

“NAVOIY KON-METALLURGIYA KOMBINATI”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

“БОШҚАРУВ ТЎҒРИСИДА” ГИ

НИЗОМИ

(янги таҳрирда)

МУНДАРИЖА

1.	Умумий қоидалар	3
2.	Бошқарув ваколатлари	3
3.	Бошқарув аъзоларини сайлаш, тайинлаш ва ваколатини муддатидан олдин тугатиш.....	3
4.	Бошқарув раиси - Бош директор ва Бошқарув котиби	4
5.	Бошқарув мажлислари	6
6.	Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.....	9
7.	Бошқарув қўмиталари	10
8.	Бошқарув аъзолари жавобгарлиги.....	10
9.	Яқуний қоидалар	11

1. Умумий қоидалар

- 1.1 “Navoiy kon-metallurgiya kombinati” акциядорлик жамияти (“**Жамият**”) нинг Бошқарув тўғрисидаги мазкур низоми (“**Низом**”) ижроия органининг мақомини ва фаолиятини, унинг аъзоларини сайлашни, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.
- 1.2 Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижроия органи – Жамият Бошқаруви (“**Бошқарув**”) томонидан амалга оширилади, унинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави (“**Устав**”) ва ушбу Низом билан белгиланади.
- 1.3 Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуни ва Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.4 Ушбу Низом акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

2. Бошқарув ваколатлари

- 2.1 Бошқарув ваколатларига Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва Жамият Уставида назарда тутилган масалалар киради.
- 2.2 Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, ушбу Низом, у билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорлари билан белгиланган ваколат доирасида ҳаракат қилади.
- 2.3 Кузатув кенгаши, акциядорларнинг Умумий йиғилиши, Устав ва Жамиятнинг ривожланиш режалари билан белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан Бошқарув ўз ваколатларига киритилган масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилади.

3. Бошқарув аъзоларини сайлаш, тайинлаш ва ваколатини муддатидан олдин тугатиш

- 3.1 Бошқарув аъзолари Жамият акциядорларининг вакиллари ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорига биноан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Жамият акциядорлари вакили бўлмаган Жамият ходимлари бўлиши мумкин, Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши қарори билан тайинланадиган Бошқарув раиси - Жамият Бош директори бундан мустасно.
- 3.2 Бошқарув аъзоси тегишли иш тажрибаси, билим, малака ва ишбилармонлик обрўсига эга бўлиши лозим.
- 3.3 Бошқарув 5 (беш) нафар аъзодан ташкил топади.
- 3.4 Бошқарув раиси ва аъзолари 1 (бир) йил муддатга чекланмаган миқдорда янги муддатга қайта сайланиш имконияти билан тайинланади. Бошқарув раиси - Бош директор ва Бошқарув аъзоларининг ваколат муддати Бошқарувнинг умумий ваколат муддати билан бир хил бўлади.

- 3.5 Бошқарув раиси - Бош директордан ташқари, Бошқарув аъзосининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ва Кузатув кенгаши томонидан Бошқарувнинг янги аъзоси тайинланган тақдирда, унинг ваколатлари Бошқарув ваколатининг умумий муддати тугаши билан бир вақтда тугайди.
- 3.6 Кузатув кенгаши раиси Бошқарув аъзолари лавозимига маълум номзодни тақдим қилганда, шартнома тузиш шартлари, маош миқдори, бошқарув фаолияти учун иш ҳақи, ҳақ тўлаш ва компенсация миқдори ҳамда номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган шартнома тузишга розилиги тўғрисида аборт беради.
- 3.7 Акциядорлар Умумий йиғилишининг Бошқарув Раиси - Бош директорни сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарори йиғилишда иштирок этаётган Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгаларининг кўпчилик овози (оддий кўпчилик) билан қабул қилинади.
- 3.8 Бошқарув аъзоларини тайинлаш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.
- 3.9 Бошқарув аъзолари ва (ёки) Бошқарув раиси - Бош директор лавозимига номзодлар ўз номзодларини кўриб чиқишда акциядорларнинг Умумий йиғилишида ва Кузатув кенгашида иштирок этишлари мумкин.
- 3.10 Бошқарув аъзолари ва (ёки) Бошқарув раиси - Бош директор лавозимига номзод сайлангандан (тайинлангандан) сўнг, Бошқарув аъзолари ва (ёки) Бошқарув раиси - Бош директорнинг вазифаларини бажариш учун Жамият уларнинг ҳар бири билан 1 (бир) йил муддатга уни узайтириш ёки тугатиш имконияти билан шартнома тузади.
- 3.11 Жамият номидан меҳнат шартномаси Кузатув кенгаши раиси ёки Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши томонидан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади.
- 3.12 Бошқарув аъзолари ва (ёки) Бошқарув раиси - Бош директорнинг иш ҳақи ва уларга ҳақ тўлаш миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлади ва меҳнат шартномаси билан белгиланади. Шу билан бирга, Бошқарув Раиси - Бош директорнинг иш ҳақи ва унга ҳақ тўлаш миқдори акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори билан, Бошқарув аъзоларининг иш ҳақи ва уларга ҳақ тўлаш миқдори эса мос равишда Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланади.

4. Бошқарув раиси - Бош директор ва Бошқарув котиби

4.1 Бошқарув раиси - Бош директор

- 4.1.1 Бошқарув раиси – Бош директор ваколатларига Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамият Уставида назарда тутилган масалалар киради.
- 4.1.2 Бошқарув раиси – Бош директор ўз ваколатлари доирасида қуйидаги функцияларни амалга оширади:
 - а) Бошқарув билан келишган ҳолда Жамиятнинг манфаатларини ифода этиш ва битимлар тузиш;
 - б) Жамиятнинг ички фаолиятини тартибга солишчи ҳужжатларни тасдиқлаш, Бошқарув томонидан коллегиял равишда, акциядорлар Умумий йиғилиши ва (ёки) Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган ҳужжатлар бундан мустасно;

- в) Жамият ходимларининг ваколатларини тақсимлаш;
- г) Жамият бўлинмаларининг ўзаро функционал алоқаларни таъминлаш;
- д) Жамият томонидан қонун ҳужжатлари ва/ёки ушбу Устав билан Жамиятнинг бошқа бошқарув органларининг ваколатига киритилмаган битимларни тузиш;
- е) акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларини бажариш;
- ж) Жамиятнинг ички ҳужжатлари (буйруқ ва ишончнома) га асосан ўз ваколатларини Жамиятнинг асосий раҳбарлари ва мансабдор шахсларига бериш;
- з) Жамият номидан вакиллик қилиш ҳақидаги ишончномаларни бериш;
- и) ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таъминлаш (ой, чорак); ишлаб чиқариш дастурининг ижро этилишининг оғишларини тuzатиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқариш, амалга ошириш ва бажарилиши устидан назорат қилиш;
- к) хавфсизлик техникаси ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соидаларига риоя этилишини таъминлаш;
- л) ускуналардан фойдаланишнинг хавфсиз режимини ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш;
- м) чораклик ва ойлик режалаштиришни таъминлаш ва тасдиқланган бюджетни бажариш, оғишларни мониторинг қилиш ва уларни тuzатиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;
- н) инвестицион дастурларнинг бажарилишини таъминлаш;
- о) Бошқарув билан келишган ҳолда штатлар жадвали ва Жамият лавозимлар номенклатурасини тасдиқлаш;
- п) Жамият филиаллари, ваколатхоналарининг раҳбарларини ва асосий раҳбарларни тайинлаш, Бошқарув билан келишган ҳолда уларга ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш;
- р) Жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий чоралар кўриш;
- с) акциядорларнинг Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ёки Бошқарувнинг ваколатларига кирмайдиган бошқа масаллар.

4.2 Бошқарув котиби

- 4.2.1 Бошқарув котиби вазифасини Жамиятнинг корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи бажаради.
- 4.2.2 Бошқарув котиби Бошқарув ва унинг аъзолари ишини ташкилий жиҳатдан ва ахборот билан таъминлаш функцияларини бажаради, шунингдек:
 - а) Бошқарув аъзоларини ушбу Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари билан белгиланган муддатда Бошқарув мажлислари ўтказиш ҳақида хабардор қилади;
 - б) Бошқарув аъзоларига Бошқарув мажлиси учун зарур бўлган маълумот ва материалларни юборади;

- в) Бошқарув аъзоларига Бошқарув мажлисларининг кун тартиби масалаларини тайёрлашда техник ва ташкилий ёрдам кўрсатади;
- г) Бошқарув қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилинганда Бошқарув аъзоларига овоз бериш бюллетенларини юборади;
- д) сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилинадиган қарорлар бўйича натижаларни ҳисоблайди;
- е) Бошқарув мажлислари баённомаларини юритади, тузади ва имзолайди;
- ж) Бошқарув мажлислари баённомаларидан кўчирмалар тузади ва уларни ўз имзоси билан тасдиқлайди;
- з) Бошқарув мажлислари баённомалари ва сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилинадиган қарорлар бўйича Бошқарув аъзоларига юборилган бюллетенларнинг сақланишини таъминлайди;
- и) Бошқарувнинг кириш ҳужжатлари ва чиқиш ҳужжатларининг нусхалари ҳисобини юритади ва уларни сақлайди, шунингдек
- к) ушбу Низом, Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари ва Бошқарув раиси то'пириқларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

4.2.3 Бошқарув котиби – Жамиятнинг корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи йўқлигида унинг вазифаларини Бошқарув қарорига асосан Жамиятнинг корпоратив муносабатлар бўлими ходими бажаради.

5. Бошқарув мажлислари

5.1 Бошқарув мажлисларини ўтказиш

5.2 Бошқарувнинг мажлислари заруратга кўра, лекин ойида камида 1 (бир) марта Бошқарув томонидан тасдиқланган Бошқарув мажлисларининг чораклик режасига мувофиқ ўтказилади. Бошқарув томонидан Кузатов кенгаши ёки акциядорларнинг Умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун чиқарилган масалалар олдин мажбурий тартибда Бошқарув мажлисида муҳокама қилинади. Кузатов кенгаши ва акциядорларнинг Умумий йиғилишида Бошқарувнинг фикри юзасидан Бошқарув Раиси - Бош директор ёки у ваколат берган Бошқарув аъзоси ҳисобот беради ва уни ҳимоя қилади.

5.3 Бошқарув Раиси - Бош директор хохишига кўра Бошқарув мажлиси аъзоларнинг бевосита иштироки орқали (бевосита иштирок) ёки сиртдан (бюллетенлар орқали овоз бериш) ўтказилиши мумкин.

5.4 Бошқарув Раиси - Бош директорнинг қарорига биноан Бошқарув мажлиси видеоконференция ва (ёки) телефон алоқасидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин, бу ҳақда Бошқарув мажлисининг баённомасида тегишли ёзув киритилади. Бундай ҳолда, мажлис ўтказиладиган жой Жамият жойлашган жой деб ҳисобланади.

5.5 Бошқарув мажлисларини Бошқарув Раиси - Бош директор ёки кўриб чиқилаётган масалаларнинг таалуқлилиги бўйича Бошқарув аъзоларидан бири бошқаради.

5.6 Бошқарув котиби Бошқарув мажлислари баённомасини юритилишини ташкил этади.

5.7 Бошқарув мажлисларини чақириш

- 5.7.1 Бошқарув мажлислари Бошқарув томонидан йилнинг ҳар чоракидаги биринчи мажлисидан кечиктирмай Бошқарув томонидан тасдиқланадиган мажлисларнинг чораклик режасига мувофиқ чақирилади. Заруратга кўра, Бошқарув Раиси - Бош директор ўз ташаббуси билан ёки қуйидагиларнинг талабларига биноан режадан ташқари мажлисларларни чақиради:
- а) Бошқарув аъзоси;
 - б) Кузатув кенгаши аъзоси;
 - в) Тафтиш комиссияси;
 - г) Ички аудит хизмати; ёки
 - д) Корпоратив маслаҳатчи.
- 5.7.2 Бошқарув мажлисини чақириш тўғрисидаги талаб Бошқарув мажлисининг ташаббускори томонидан Бошқарув раиси - Бош директорга ёки унинг вазифаларини бажарадиган шахсга юборилади ва мажлис кун таркибидаги масалаларнинг мазмуни акс эттирилиши мумкин.
- 5.7.3 Бошқарув раиси - Бош директор Бошқарув мажлисини ўтказиш тўғрисида талабни олгандан сўнг, талаб олинган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида Бошқарув мажлисини чақириш тўғрисида қарор қабул қилади. Бундай мажлис уни ўтказиш тўғрисида талаб келиб тушган кундан бошлаб 10 (ўн) иш кунидан кечиктирмасдан ўтказилиши ёки Бошқарув мажлисини ўтказиш тўғрисида талабда келтирилган масалалар Бошқарувнинг энг яқин мажлиси кун тартибига киритилиши лозим.
- 5.7.4 Бошқарув мажлисини чақирганда, Бошқарув раиси - Бош директор қуйидагиларни белгилайди:
- а) мажлис ўтказиш жойи ва вақти;
 - б) мажлис ўтказиш шакли (бевосита иштирок, сиртдан);
 - в) кун тартиби; шунингдек
 - г) мажлис учун Бошқарув аъзоларига тақдим этиладиган маълумотлар ва материаллар рўйхати.
- 5.7.5 Бошқарув мажлисларида кун тартибига киритилган масалалар кўриб чиқилади, шунингдек, мажлисда иштирок этаётган Бошқарув аъзолари кўпчилигининг розилиги билан кун тартибига киритилмаган масалалар кўриб чиқилиши мумкин.
- 5.7.6 Бошқарув муҳокамасига масалаларни киритиш ҳуқуқига Бошқарув Раиси - Бош директор, Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзолари, Тафтиш комиссияси, Ички аудит хизмати ва Корпоратив маслаҳатчи эга.
- 5.7.7 Бошқарув аъзолари бўлмаган шахслар Бошқарув мажлисларига таклиф қилиниши мумкин. Бундай шахслар кун тартибидаги муҳокамаларда қатнашиш, муҳокама қилинган масалалар бўйича ўз шарҳларини, маълумотларини ва (ёки) материалларини тақдим этиш ҳуқуқига эга, шу билан бирга улар кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар.

5.8 Бошқарув аъзоларини Бошқарув мажлиси чақириш ва ўтказиш ҳақида огоҳлантириш

5.8.1 Бошқарув котиби Бошқарув аъзоларини Бошқарув мажлисидан камида 5 (беш) иш кун олдин электрон почта орқали ёки Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси томонидан хабарнома олишни кафолатловчи улар учун бошқа қулай усулда ёзма равишда мажлис ўтказиш тўғрисида хабардор қилади (шу жумладан, почта, телеграф, факсимилия ёки бошқа алоқа воситаси орқали).

5.8.2 Бошқарув мажлисини ўтказиш ҳақидаги хабарномада қуйидаги маълумотлар киритилади:

- а) мажлис ўтказиш ташаббускори ҳақида;
- б) кун тартиби ҳақида;
- в) мажлис ўтказиш жойи ва вақти ҳақида; ва
- г) мажлис ўтказиш шакли (бевосита иштирок, сиртдан).

Бошқарув мажлиси ўтказиш ҳақида хабарнома билан бир вақтда Бошқарув аъзоларига барча зарур материаллар ва маълумотлар юборилади.

5.8.3 Бошқарув аъзоси Бошқарув мажлисида иштирок эта олмаслиги ҳақида Бошқарув раиси - Бош директорни олдиндан хабардор қилиши лозим.

5.9 Кворум ва қарор қабул қилиш

5.9.1 Бошқарув унинг мажлисида Бошқарув аъзоларининг камида ярми иштирок этган ҳолларда қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлиб, Бошқарувнинг барча аъзолари иштироки талаб қилинадиган ушбу Низомнинг 5.9.4-бандида назарда тутилган масалалар юзасидан қарор қабул қилиш бундан мустасно.

5.9.2 Бошқарув қарори Бошқарув мажлисида ёки сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

5.9.3 Бошқарувнинг қарорлари Бошқарув аъзолари сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади, ушбу Низомнинг 5.9.4-бандида назарда тутилган масалалар бундан мустасно. Овозлар тенг бўлса Бошқарув Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

5.9.4 Жмият уставининг 15.8-банди (в), (г), (д), (е), (к), (л), (м), (н), (п), (р) кичик бандларида назарда тутилган масалалар бўйича қарорлар барча Бошқарув аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.9.5 Агар ушбу Низомнинг 5.9.4-бандида назарда тутилган масалалар бўйича Бошқарув томонидан бир овоздан қарор қабул қилинмаса, бундай масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш масаласи Кузатув кенгашига киритилади.

5.9.6 Бошқарув мажлисида масалаларни ҳал этишда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси 1 (бир) дона овозга эга. Бошқарув аъзоси томонидан овоз бериш ҳуқуқини бошқа шахсга, шу жумладан, Бошқарувнинг бошқа аъзосига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

5.9.7 Бошқарув мажлисида қабул қилинган Бошқарув қарори ушбу масала бўйича овоз бериш натижалари эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.

5.9.8 Бошқарувнинг сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилинган қарори Бошқарув мажлисининг баённомаси тузилган кундан бошлаб, лекин овоз бериш бюллетенларини қабул қилиш муддати тугаганидан кейин учинчи кундан кечиктирмай кучга киради.

5.10 Бошқарув мажлиси баённомаси

5.10.1 Бошқарув қарорлари баённома билан расмийлаштирилади, у Бошқарув Раиси - Бош директор ва Бошқарув котиби томонидан имзоланиши ва овоз беришга қўйилган масалаларни, ҳар бир масала бўйича Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси томонидан овоз бериш натижаларини акс эттирувчи овоз бериш натижаларини ўз ичига олиши лозим.

5.10.2 Бошқарув мажлисининг баённомаси Бошқарув котиби томонидан, у йўқлигида эса унинг вазифаларини бажарувчи Жамият ходими томонидан юритилади.

5.10.3 Бошқарув мажлиси баённомаси у ўтказилгандан сўнг 3 (уч) иш кунидан кечикмасдан тузилиши лозим. Бошқарув мажлиси баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- а) Жамиятнинг тўлиқ номи ва жойлашган жойи;
- б) мажлис ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
- в) мажлис ўтказиш шакли;
- г) мажлисда иштирок этаётган шахслар ҳақида маълумотлар;
- д) кун тартибидаги барча масалалар ёки ҳар бир масала бўйича кворум;
- е) мажлиснинг кун тартиби;
- ж) овозга қўйилган масалалар, ва ҳар бир масала бўйича қарорларнинг таҳрири, ва Бошқарув мажлисининг кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси томонидан овоз бериш натижалари акс эттирилган овоз бериш натижалари;
- з) қабул қилинган қарорлар; шунингдек
- и) баённомани имзолаган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (Бошқарув Раиси ва Бошқарма котибининг ёки мажлисда Бошқарув котиби вазифасини бажарувчи шахснинг ФИШ).

5.10.4 Бошқарув котиби Бошқарув аъзосининг илтимосига биноан унга танишиш учун Бошқарув мажлисининг котиби имзоси ва Бошқарув муҳри изи билан тасдиқланган Бошқарув мажлиси баённомасини тақдим этади.

5.10.5 Бошқарув мажлислари баённомаларидан кўчирмалар қуйидаги шахсларга тақдим этилади:

- а) Кузатов кенгаши раиси ва Тафтиш комиссияси раисига мажбурий тартибда;
- б) бошқа мансабдор шахслар ва аудиторнинг сўровига кўра; шунингдек
- в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахслар ва органларга (шу жумладан, давлат органлари).

6. Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

- 6.1 Бошқарув аъзоси бошқа ташкилотларда фақат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан ишлашга ҳақлидир. Бошқарув аъзоси Жамият билан рақобатлашадиган ташкилотларда ишлашга ҳақли эмас, акциялари (иштирок улўшлари) тўғридан-тўғри ёки билвосита Жамиятга тегишли бўлган ташкилотлар бундан мустасно.
- 6.2 Бошқарув раиси - Бош директор бошқа юридик шахснинг ижро этувчи орган раҳбари ёки яқка тартибда ижро этувчи органнинг функцияларини бажарувчи шахс лавозимини эгаллашга ҳақли эмас.
- 6.3 Бошқарув аъзолари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Устав, Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига зид равишда Жамият мулкидан фойдаланмаслиги ёки фойдаланишга йўл қўймаслиги шарт, шунингдек, шахсий манфаатлари учун фойдаланиш ва аффилиланган шахслар билан шартномалар тузишда суиистеъмол қилишга йўл қўймаслиги лозим.
- 6.4 Бошқарув аъзолари Жамиятга зарар етказилишини олдини олиш, Жамият фаолиятини оптималлаштириш бўйича зарур чораларни кўриш, Жамият Бошқаруви мажлисини чақиришга ташаббус кўрсатиш, Бошқарув Раиси - Бош директорини хабардор қилиш ёки бошқа ҳар қандай мавжуд усулда усулда Жамият фаолиятини оптималлаштиришга мажбур.
- 6.5 Бошқарув аъзосининг бошқа функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Устав, шунингдек ушбу шахс билан Жамият ўртасида тузилган меҳнат шартномаси билан белгиланади.
- 6.6 Бошқарув мажбуриятларига қуйидагилар киреди:
- а) Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари ижросини ташкил этиш;
 - б) Жамиятнинг ишлаб чиқариш бирликлари, цехлари ва Жамиятнинг бошқа таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш;
 - в) ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдордаги даромад олинишини таъминлаш;
 - г) Жамиятни ривожлантириш бизнес-режалари ва дастурларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш, уларнинг ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;
 - д) хизмат ёки тижорат сирини, шунингдек инсайдерлик ахборотларни ташкил этадиган маълумотларни сақланишини таъминлаш;
 - е) Бошқарув аъзоларини жамоавий музокараларда иштирок этишини таъминлаш;
 - ж) ўз ваколатига тааллуқли бўлган ишларнинг ҳолати тўғрисида ҳисоботларни ўз вақтида акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашига тақдим этиш; ва
 - з) ички ҳужжатлар, амалдаги қонунчилик ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатларига риоя қилиш.
- 6.7 Бошқарув аъзоларининг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари Бошқарув аъзоларининг ҳар бири билан тузилган меҳнат шартномасида кўзда тутилган.

7. Бошқарув қўмиталари

- 7.1. Бошқарув қарорларини дастлабки ўрганиб чиқиш ўз ваколатлари доирасида Бошқарув қўмиталари томонидан амалга оширилади.
- 7.2. Жамиятда Бошқарувнинг қуйидаги қўмиталари тузилади:
 - а) Харидлар қўмитаси;
 - б) Бюджет қўмитаси;
 - в) Этика қўмитаси;
 - г) Инвестиция қўмитаси.
- 7.3. Қўмиталар уларнинг раҳбарлари ва маълум қўмилада ишлаш учун зарур касбий билимларга эга Жамият таркибий бўлинмаларининг мутахассисларидан ташкил топади.
- 7.4. Бошқарув қўмиталарини шакллантириш тартиби, фаолияти ва таркиби шунингдек, уларнинг Бошқарув ва Жамиятнинг таркибий бўлинмалари билан ўзаро алоқалари тартиби Бошқарув томонидан тасдиқланадиган тегишли Низомлар билан белгиланади.

8. Бошқарув аъзолари жавобгарлиги

- 8.1. Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳуқуқларини амалга оширганда ва мажбуриятларини бажарганда Жамият манфаатларига мувофиқ иш тутиши лозим ва белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.
- 8.2. Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси ушбу лавозимда ишлаган даврида фаолияти билан рақобатлашадиган ёки маҳсулот сотиш ёки хизматлар кўрсатишда қийинчиликлар туғдирадиган юридик шахслар ва корхоналарни ташкил этиш ёки ташкил этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. ширкат. Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси Жамиятдаги лавозимга тайинлангандан сўнг, ушбу юридик шахсларда ўз иштирокини тўхтатиб туриши ва бу ҳақда Жамият Кузатув кенгашига хабар бериши шарт.
- 8.3. Бошқарув Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Жамият уставига мувофиқ Жамият олдида ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида Жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.
- 8.4. Бошқарув қуйидагилар учун жавобгардир:
 - а) Жамиятда ички назорат ва хатарларни бошқариш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш учун;
 - б) акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланган мақсадларга эришиш учун молиявий ва инсон ресурсларини ажратиш учун;
 - в) Жамиятнинг Кузатув кенгашини Жамиятнинг ривожланиш режаси доирасида ўз функцияларини тўлиқ бажариши учун зарур ресурслар билан таъминлаш учун; ҳамда
 - г) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, Уставда ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

9. Яқуний қоидалар

- 9.1 Ушбу Низомга қўшимчалар ва ўзгартиришлар Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ва (ёки) Бошқарув аъзолари таклифига биноан киритилади.
- 9.2 Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 9.3 Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг камида 1 фоизига (бир фоизига) эгаллик қиладиган акциядор (акциядорлар) Бошқарув аъзоларига нисбатан улар томонидан Жамията етказилган зарарни қоплаш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
- 9.4 Агар ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва (ёки) Жамият уставига зид бўлса, бундай моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандлар билан тартибга солинадиган масалалар ушбу Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилмагунча, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва (ёки) Жамият Уставининг қоидалари билан тартибга солинади.